

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2020 йил, 2-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатта олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош мұхаррір:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош мұхаррір
ўринбосари:**
доцент **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:
профессор **М.Қ.Пардаев**

Мұхаррір:
Ф.А.Сафаров,

Техник мұхаррір:
С.Хусенов,

**Корректор ва
саҳифаловчи:**
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.**

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд
шахар,
Амир Темур кўчаси, 9-
йў,
тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88
факс: +998(366)231-12-
53

Эл.почта:
samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, иқтисод фанлари доктори

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, доцент

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат
Статистика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори,
профессор

М.Қ.Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти профессори, иқтисод фанлари доктори

Б.К.Гоибназаров – ЎзР Давлат Статистика қўмитаси
Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари
маркази директори, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти профессори, иқтисод фанлари доктори

О.М.Муртазаев – Тошкент Давлат Йқтисодиёт
университети Самарқанд филиали директори, иқтисод
фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия
ва спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – Карши мұхандислик-иқтисодиёт
институти профессори, иқтисод фанлари доктори

И.С.Тўхлиев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти профессори, иқтисод фанлари доктори

М.М.Мухаммедов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти профессори, иқтисод фанлари доктори

К.Б.Уразов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
профессори, иқтисод фанлари доктори

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ ўқув ва тарбиявий ишлар
бўйича проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Б.И.Исройлов – ЎзР Адлия вазирлиги қошидаги
юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Б.Абдукаримов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти профессори, иқтисод фанлари номзоди

Б.У.Нуруллаев – Самарқанд вилояти ҳокимининг
туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари

Н.М.Набиева Хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришда маркетинг роли ва ўрни	135
МОЛИЯ ВА БАНК ХИЗМАТЛАРИ	
С.С.Алиева, Ш.С.Шамахмудов Совершенствование бюджетно-налоговой политики в рамках стабилизации и обеспечения роста экономики	139
С.Я.Исмоилова Маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишинга таъминлашнинг айrim назарий масалалари	144
Н.М.Бабаева Суғурта компаниялари молияси ва молиявий ресурслар шаклланишининг назарий асослари	149
А.М.Karimova Funding of tourism in Uzbekistan	152
Б.Ш.Хусанов Социальные гарантии населению, включающие льготы	155
ИНВЕСТИЦИЯ	
М.Х.Ахунова Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестициялардан фойдаланиш	160
Р. Мусаев, Ш.К. Нурбоев Кулай инвестиция мухитини шакллантиришда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш муаммолари	163
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Ф.Б.Ахроров, А.Абдурахманова Ер экотизим хизматларининг иқтисодий самарадорлиги таҳлили	167
А.Т.Ахмедова Системный подход к исследованию и управлению деловой активностью предприятия	170
М.К.Рашидов, Ҳ.Н.Бақоев Минтақалар эркин иқтисодий зоналари самарадорлигини индексли таҳлил усулида баҳолаш	175
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
И.Б.Маттиев Талабаларда саломатликни асраршга йўналтирилган ўқув жараёнининг мазмуни	180
O.J.Suyunov Oliy ta’limda muammoli mashg‘ulotlarni tashkil etishning o‘ziga xos jihatlari	184
О.С.Қаххоров, Б.И.Адизов, А.Э.Норов Олий таълим муассасалари инновацион фаолиятини тижоратлаштириш самарадорлигини оширишда кадрлар тайёрлаш устуворлиги (1-мақола)	189
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Муқаддас китобнинг муқаддаслиги	196
АТАМАЛАР ТАЪРИФЛАРИ	
М.Қ.Пардаев, Ш.А.Пардаев “Ч” ҳарфи билан бошланадиган иқтисодий атамалар ва категорияларнинг таърифлари	197

О.С. Қаххоров – БухДУ “Иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф..ф.д. (PhD),

Б.И.Адизов – БухДУ “Иқтисодиёт кафедраси” таянч докторанти,

А.Э.Норов – БухДУ “Иқтисодиёт кафедраси” мустақил изланувчиси

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ
ТИЖОРАТЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ УСТУВОРЛИГИ
(1-мақола)**

Аннотация: Мазкур мақолада олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини таъминлаш тизими, механизми, бошқарув жараёнларини амалга ошириш воситалари, рақобатбардошликтин баҳолаш кўрсаткичлари, рақобатбардошлик мезонлари, шунингдек, олий таълим муассасалари битирувчиларининг рақобатбардошлик даражаси ҳамда минтақавий олий таълим бозорида олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини тадқиқ этишининг қиёсий натижалари ёритилган.

Таянч сўзлар: инновацион фаолият, олий таълим тизими, рақобатбардошлик, рақобатбардош кадр, тижоратлаштириш, таълим хизматлари, меҳнат бозори, маркетинг, таълим хизматлари маркетинги, самарали бошқарув.

Кириш. Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, қолаверса, барча соҳаларда тубдан янгиланиш, инновацион ривожланиш йўлига ўтаётган экан, биринчи навбатда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиниши, таълим сифатини оширишга қаратилган изчил чора-тадбирларни белгилаб олиниши ва қабул қилинаётган йўл хариталарининг реал амалиётда ижросини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга тақдим этган мурожаатномасида Ўзбекистон илм-фан, интелектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбар-дош бўлиши ягона мақсадимиз эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди [1].

Республикамизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасида олий таълим тизимида бир қатор сезиларли ижобий силжишлар кузатилди. 2019 йилда 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилганлиги, бир қатор етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилганлиги бунинг яққол мисолидир. 209/2020 ўқув йилида олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди[2,3]. Албатта, қабул қамровини кўпайтириш билан биргаликда асосий мақсад таълим сифатини ҳалқаро меъёр ва стандартларга жавоб беришини таъминлашдан иборатдир. Бу жараёнларни ҳаракатга келтирувчи асосий куч - бу олий таълим тизимида соғлом рақобат бўлиб ҳисобланади. Дарҳақиқат, рақобатбардош олий таълим муассасасидагина рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мумкиндир [4,5].

Асосий қисм. Олий таълим муассасасининг рақобат салоҳиятини бошқариш унинг рақобатбардошлигини бошқариш билан узвий боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида миллий рақобатбардошликтин таъминлашга хизмат қиласди. Мамлакат таълим тизимининг рақобатбардошлиги асосида эса, унинг таркибига кирувчи ҳар бир олий ўқув юртининг рақобатбардошлиги ётади [6]. Бозор муносабатларининг ривожланиши ва шу билан боғлиқ равишда олий таълим бозорида рақобатнинг кучайиши, олий таълим муассасалари олдига назарий ва амалий аппаратларни бир қатор йўналишлар бўйича келишилган ҳолда қўллаш асосида ҳал этилиши лозим бўлган ўз рақобатбардошлигини таъминлаш масалаларини қўяди:

ОТМ фаолияти маҳсулотлари потенциал истеъмолчиларининг эҳтиёжлари ва сўровларини ўрганиш;


зарур маълумотларни тўплаш мақсадида олий таълим бозори мониторингини ташкил қилиш;

умумлаштирилган модель лойиҳасини ишлаш ва рақобатдошликтин таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш;

ОТМни ривожлантиришнинг асосий стратегик мақсади сифатида ОТМ рақобатдошлигини оширишга йўналтирилган мантиқий тўғри бошқарув жараёнини йўлга кўйиш;

баҳолаш кўрсаткичлари умумий тизимини шакллантириш, улар асосида рақобатбардошлик даражасини аниқлаш ва унинг динамикасини таҳлил қилиш;

рақобатбардошликтин микдорий баҳолашга умумий ёндашувлар йигиндисини аниқлаш; у билан боғлиқ масалаларни ҳал килишнинг хусусий усуслари, алгоритмлари ва тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш.



1-расм. ОТМлар рақобатбардошлигини таъминлаш тизими модели¹

Узок муддатли истиқболда олий таълим муассасалари барқарор фаолият юритиши

ва барқарор ривожланиши узлуксизлигига эришиш учун муваффақият гарови улардаги барча ички элементлар фаолиятини мувофиқлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни оптималлаштириш ва рацоналлаштириш, шунингдек, ташқи мұхит билан оптималь муносабатлар излаб топиш бўлган мос келувчи тизим (1-расм) сифатида рақобатбардошликини таъминлаш жараёнини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Таклиф этилаётган тизимнинг асосий элементлари олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини бошқариш ва бунинг учун зарур воситаларни аниқлаш, шунингдек, амалдаги рақобатдошлик даражасини ва уни таъминлаш самарадорлигини баҳолаш ҳисобланади.

Рақобатбардошликини таъминлаш бўйича барча ҳаракатлар мажмуасини мувофиқлаштирувчи орган сифатида маркетинг бўлимидан фойдаланиш ва унга тегишли функцияларни бажаришни ишониб топшириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: олий таълимнинг бозор конъюнктурасини таҳлил қилиш ва ОТМнинг ўз рақобатдошлигини баҳолаш, унинг даражасини қўллаб-қувватлаш ёки ошириш дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, олинган натижалар мониторинги.

ОТМ маркетинг фаолиятининг биргаликда қуидаги талабларга жавоб берадиган, унинг рақобатбардошлигига таъсир даражасини аниқлашга имкон берадиган ёндашув рақобатбардошликини таъминлаш тизимини ишлаб чиқиша методологик асос ҳисобланади:

биринчидан, ОТМ рақобатбардошлигини оширишни таъминлайдиган энг мұхим кўрсаткичларга асосланади;

иккинчидан, рақобатбардошлик даражасини баҳолаш бўйича олинган натижалар унинг таркибий қисмлари ОТМ маркетинг фаолиятига таъсир этиш даражасини аниқлаш кесимида шакллантирилади;


учинчидан, баҳолаш натижалари асосида мос келувчи бошқарув қарорлари ишлаб чиқилади.

Рақобатбардошликини таъминлаш жараёнини такомиллаштиришга унинг асосий элементлари гурухини, олий таълим бозорида рақобат кураши қатнашчиларини аниқлаш, рақобатчилар рақобатбардошлигини баҳолаш, тавсифловчи кўрсаткичлар йигиндинисини мониторинг қилиш, минтақадаги ўхшаш таълим муассасалари рейтингида ОТМнинг мавқеини аниқлаш учун рақобатчиларни таққослаш ва шу асосда ОТМ фаолияти самарадорлигига ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар таъсири қисмлари ташкил қиласидиган мос келувчи механизм ишлаб чиқиш ҳисобига эришилади (2-расм).

Замонавий олий таълим бозори шароитида биринчи ўринга рақобатли устунликлар яратиш ва ошириш бўйича доимий ишлар олиб бориш чиқади, уларни кучайтириш учун рақобатдошликини самараали бошқаришнинг амалий аҳамияти фаоллаштирилади. Шу билан бирга, рақобатбардошликини бошқаришнинг асосий мақсади ОТМнинг рақобатдош устунликларини яратиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳисобига уни такомиллаштириш эканлигига эътибор қаратамиз.

Рақобатбардошлик-рақобат курашида ғалаба қозониш мақсадида субъектнинг ўзини рақобатлашдаги устунлигини бошқариш жараёнидир[7]. Рақобатбардошликини бошқариш жараёнларини амалга ошириш учун асосий восита сифатида маркетингга йўналтирилган ёндашув қўлланилиши керак. Бозор талабларини тезкор акс эттирадиган ва ушбу талабларга жавоб берадиган маркетингга асосланган бошқарув ОТМда асосий мақсади барқарор рақобатли устунликни таъминлаш ҳисобланган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиши кўзда тутади. Булар асосий рақобатли устунликларга эришиб, маркетинг тизими элементларини доимий қайта кўриб чиқишига интилишда намоён бўладиган фойдалироқ бозор позицияси учун курашиш заруратини юзага келтиради.

ОТМларнинг барча таркибий қисмларида уларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш муаммоси мутахассислар томонидан фаол ўрганилмоқда ва унинг долзарблиги шубҳасиз-

2-расм. ОТМ рақобатбардошлигини таъминлаш механизми²

дир. Бундан ташқари, мавжуд қарашлар ва ёндашувлардаги асосий фарқлар, қоидага кўра, рақобатбардошликни белгилайдиган кўрсаткичларнинг ўзига хос хусусиятларидан ва уни тавсифловчи кўрсаткичлардан иборат бўлиб, уларнинг тегишли таснифи муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан, энг аввало, амалиётда муваффақиятли қўллаш имкониятини таъминлайдиган белгиланган талаблар тўпламига (объективлик, ишончлилик ва ўлчаш мумкинлиги) жавоб берадиган ва бутун сабаб-оқибат алоқасини тадқиқ этишга имкон берадиган оптималь мезонларни далиллар билан асосланган тарзда танлаш амалга оширилган. Фикримизча, ОТМнинг узоқ муддатли рақобатбардош устунлиги учун барқарор асосларини шакллантиришга интилиши унга ютуқларнинг асосий манбаларига ҳамда сақлаб қолиш ва ривожлантириш асосий имкониятларига эътиборни жамлашга имкон берадиган қиймат яратишнинг белгиланган модели асос қилиб олинган ҳолларда муваффақиятли бўлади. Ушбу конфигурациянинг асосий кўрсаткичларини стратегик танлаш қиймат яратиш занжирида ушбу қиймат бевосита таълим муассасасида ҳам, унинг фаолияти якуний маҳсулотида ҳам мужассам топганлигини тушунишдан келиб чиқиб амалга оширилади.

Қийматга ўйналтирилган ёндашув нуқтаи назаридан муаллиф томонидан асосий мезонлар сифатида иккита баҳолаш тоифаси ажратиб кўрсатилган: «ОТМнинг бозор субъекти сифатида қиймати» ва «ОТМ фаолияти маҳсулоти қиймати» (3-расм).

ОТМ қиймати унинг икки мезон – бозор рақобат муҳити ва ОТМ рақобат мавқеи таъсири остида шаклланадиган олий таълим бозоридаги рақобатли позициялари билан

²Манба: Муаллиф ишланмаси

OTM рақобатбардошлиги

Бозор субъекти сифатида OTM қиймати

- Олий таълим бозори рақобат мұхити
- Ижтимоий иқтисодий салоҳият
- Олий таълим бозорида OTM мұваффақиятлари
- OTM рақобат мавәеи
- OTMнинг ишбилармөнлик нүфузи
- OTM фаолиятини ижтимоий баҳолаш

OTM фаолияти маҳсулоти қиймати

- Таълим хизматлари рақобатбардошлиги
- Таълим хизматлари сифати
- Таълим хизматлари тақдим этиш жараёнини ташкилий таъминлаш
- Таълим хизматлари очиқлиги
- Битирувчилар рақобатбардошлиги
- Ихтисослик рақобатбардошлиги
- Битирувчилар касбий тайёргарлиги рақобатбардошлиги
- Битирувчиларга талаб

З-расм. OTM рақобатбардошлик мезонлари тизими³

белгиланади. Бозор субъекти фаолияти маҳсулоти иқтисодий қиймати бу маҳсулотни харид қилиш ва ундан фойдаланиш натижасида мижоз оладиган фойдали самарани ифодалаши сабабли унинг қиймат мезони рақобатбардошликни баҳолашга ўзгарили. Шундай қилиб, OTM фаолияти маҳсулотининг қиймати ўқитиш жараёни ва унинг якуний натижалар жалб этувчанлигини истеъмол нұктаи назаридан баҳолаш билан белгиланади ва шу тариқа таълим хизматлари рақобатбардошлиги ва битирувчилар рақобатбардошлигини шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб сайти. <https://president.uz/uz/lists/view/1371>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб сайти. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359-сонли Қарори. <https://www.lex.uz/docs/4380357>
4. Шишкина Е.С. , Аветисян В.П. Факторы, влияющие на повышение конкурентоспособности выпускников вузов. //“Основы экономики, управления и права”. 2013. №5 (11). -57 с.
5. Каҳхоров О.С., Адизов Б.И. Олий таълим муассасаларида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2018. №6. 10-бет
6. Нишонов Д. Олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлиги ва ракобат устунликлари. «Biznes-Эксперт». <http://www.biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/15546-oliy-talim-muassasalarining-raqobatbardoshligi-va-raqobat-ustunliklari>
7. Фатхутдинов Р.Ф. Управление конкурентоспособностью вуза//Высшее образование в России. 2006. №9. 37-38 с.
8. Каҳхоров О.С., Адизов Б.И. Олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлиги: тушунчалар, фикрлар, қарашлар // “Жамият ва бошқарув” 2019. №1(83). 118-бет
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<p>О.С.Каххоров, Б.И.Адизов, А.Э.Норов Приоритет обучения персонала вузов в повышении эффективности коммерциализации инновационной деятельности</p> <p>Аннотация: в данной статье освещена система и механизм обеспечения конкурентоспособности высших учебных заведений, средства осуществления процессов управления, показатели оценки и критерии конкурентоспособности, а также уровень конкурентоспособности выпускников вузов и сравнительные результаты исследования конкурентоспособности высших учебных заведений на региональном рынке высшего образования.</p> <p>Ключевые слова: инновационная деятельность, система высшего образования, конкурентоспособность, конкурентоспособный персонал, коммерциализация, образовательные услуги, рынок труда, маркетинг, маркетинг образовательных услуг, эффективный менеджмент.</p>	<p>O.Kaxxarov, B.Adizov, A.Norov Priority teaching of personal vuzov in increasing efficiency commercialization innovative activity</p> <p>Abstract: This article highlights the system and mechanism for ensuring the competitiveness of higher education institutions, the means of implementing management processes, assessment indicators and criteria for competitiveness, as well as the level of competitiveness of university graduates and the comparative results of research on the competitiveness of higher education institutions in the regional market for higher education</p> <p>Keywords: innovatsionnaya deyatelност, sistema vysshego obrazovaniya, konkurentosposobnost, konkurentosposobnyy staff, kommertsializatsiya, obrazovatelnye uslugi, rynok truda, marketing, marketing obrazovatelnyx uslug, effektivenyy menedjment..</p>
---	--